

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2020-2023 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА КОРОНАВИРУС COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.

Хамзаева Н.Т., Матназарова Г.С., Саидкасимова

Н.С., Абдукаххарова М.Ф

Тошкент Тиббиёт Академияси

ALFRAGANUS универстети.

COVID-19 пандемияси Уни тўхтатишда самарали эканлиги исботланган. Бироқ, болалар учун узок муддатли уйда қолиш, уларнинг соғлиғига хавф туғдириши ва баъзи потентсиал ён таъсирларга олиб келиши мумкин. жисмоний ҳаракатсизлик, тана килограмм ортиши, хулқ-атворга қарамликнинг бузилиши, куёш нурига этарли даражада тўйинмаслик, руҳий касалликлар, зўравонлик ва ижтимоий изоляция - бу оқибатларнинг баъзиларидур.

Материаллар ва усуллар. 2020-2023 йилда Санитар эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қумитсининг Тошкент шаҳар бошқармасидан олинган хисоботлар ва эпидемиологик карталар.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистон Республикасида коронавирус билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилганда, республикада коронавирус билан касалланиш кўрсаткичи кескин кўпайгани аниқланган, Коронавирус билан касалланишни ҳудудлар бўйича тақсимланишини таҳлил қилганимизда, касалланишнинг нотекис тарқалганлиги аниқланди, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида кузатилган бўлиб, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига (28822,1), ни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида касалланиш юқори эканлигини ҳисобга олиб, касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлилини Тошкент шаҳри бўйича ўтказдик.

Тошкент шаҳрида касалланиш курсаткичини туманлар кесимида таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Бектемир туманида касалланишнинг интенсив курсаткичи бошқа туманларга нисбатан юқорилиги 100 минг аҳолига (5502,1) эканлиги аниқланди. Сергели туманида эса нисбатан касалланиш курсаткичи паст даражада бўлган ва 100 минг аҳолига (307,5)ни ташкил этган. Бунга пандемия даврида туманга чет элдан келган фуқаролар сони бошқа туманларга нисбатан кам сонда бўлганлиги ва бу умумий касалланиш курсаткичига ҳам ўз таъсирини ўтказгани сабаб бўлган. Тошкент шаҳрининг бошқа ҳудудларида касалланиш курсаткичлари турли даражада бўлиб, Янги ҳаёт туманида касалланишнинг интенсив курсаткичи (1821,72), Уч тепа туманида (1631,2), Олмазор туманида (1337,3), Чилонзор туманида (1946,4), Яккасарой туманида (2493,5), Юнусобод туманида (1955,95), Шайхонтоҳур туманида (1605,78), Мирзо Улугбек туманида (2686,75), Миробод туманида (2285,5) эканлиги аниқланди. Тошкент шаҳрида касалланишнинг кўп йиллик динамикасини таҳлил қилганимизда касалланиш 2023-йилга келиб кескин пасайганини кўришимиз мумкин: 2020-йили ҳар 100 000 аҳоли сонига касалланиш курсаткичи ўртача 2842,67 тўғри келган, ушбу курсаткич 2021-йилга келиб 4158,3 ни ташкил этган. 2020-йилнинг 15 март ойидан 2022-йилнинг январь ойигача бўлган даврда Тошкент шаҳрининг барча маъмурий ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида COVID-19 билан касалланиш динамикасининг ўсиши кузатилди. 2022-йил январь ойидан касалланиш курсаткичи аста-секин пасайиб, 100 000 аҳоли сонига 2130,67ни, 2023-йили 273ни ташкил этган.

Шу йиллар ичида COVID-19 билан касалланиш динамикасида ўсиш кузатилиб, 4 та кўтарилиш даври аниқланганди, биринчи кўтарилиш касалланишнинг юқори курсаткичлари 2020-йилнинг июн-сентябр ойларида: 100 минг аҳолига нисбатан 49,9дан 630,3гача, иккинчи кўтарилиш 2021-йилда июнь-

июль ойларида: 302,9 дан 1320,1 гача кўтарилган, учинчи кўтарилиш даври 2021-йил декабр-2022-йил январь ойларида: 59,5 дан 809,36 гача, тўртинчи давр 2022-йил июнь-сентябрь ойида кузатилиб, касалланишлар кўрсаткичи 41,57 дан 494,96 гача кўтарилган. Бундан кўриниб туриптики касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари 2021-йилда июнь-июль ойларига тўғри келган. Олиб борилган самарали профилактик ва эпидемияга қарши карантин чора-тадбирларнинг татбиқ этилиши натижасида 2023-йил охирига келиб, 2024-йилдан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида коронавирус билан касалланиш кўрсаткичлари кескин камайиб борган Тошкент шаҳри бўйича COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичлари республика бўйича касалланишнинг ўртача кўрсаткичлардан 2 баробар юқори бўлган. Касалланиш кўрсаткичининг кўпайиши лаборатория текширувлар сони ва сифати яхшилиги лаборатор ташхисотининг, яъни, ИФА (хусусий антителаларни аниқлаш), ПЗР каби молекуляр-генетик усулларнинг қўлланилиши яхши йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ бўлган.

Коронавирус касаллигининг йиллик динамикасини Тошкент шаҳрида 2020-2023-йилларда кузатилган касалланишнинг эпидемиологик таҳлил натижалари асосида ўргандик. Касалликка мавсумийлик хос бўлмасдан касалланиш кўтарилиши вируснинг янги штаммаларининг республикамизга кириб келиши билан боғлиқ бўлган. Тадқиқот йиллари давомида (2020-2023 йй.) Тошкент шаҳрида COVID-19 билан касалланиш динамикасида касалланишнинг 4 хил мавсумий кўтарилиш цикллари (ёз-куз, баҳор, куз -киш, ёз-куз) ажратиш мумкин

Касалланишнинг ёш болалар гуруҳлари орасида таҳлили

1. Ёш болалар гуруҳлари бўйича 2020-2023 йиллар кесимида касалланишни таҳлил қилганимизда 2020-йилларда 0-7 ва 7-18 ёшгача бўлган болалар ўртасида коронавиралар билан касалланиш динамикасида, юқорига кўтарилиш тенденцияси (2021 йили июл ойида 4878; 2022 йили июл ойида 878) 2022 йилдан бошлаб 0-7 ёшгача болаларда эса касалланиш (2021 йили июл ойида 3314; 2022 йили июл ойига келиб 2704) кўтарилганлигини ва 2022 йил июль ойидан бошлаб 0-7 ёшгача болаларда, 7-18 ёшгача бўлган болаларга нисбатан касалланиш 3 баробар юқори кўрсаткичларда сақланиб қолганлиги аниқланганини кўришимиз мумкин.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., Saidkasimova, N. S., Toshboev, B. Y., & Khamzaeva, N. T. (2020). SCIENTIFIC, METHODOLOGICAL AND ORGANIZATIONAL BASES OF MANAGEMENT OF THE EPIDEMIC PROCESS IN CASE OF SALMONELLOUS INFECTION IN UZBEKISTAN. *Central Asian Journal of Pediatrics*, 2020(3), 5-14.
2. Urakovna, N. N., Sultanovna, M. G., Yunusovich, M. A., Fakhrudinovna, A. M., Toshtemirovna, X. N., & Vlademirovna, B. E. (2023). EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE HUMAN IMMUNODEFICIENCY VIRUS. *World Bulletin of Public Health*, 21, 95-98.
3. Toshtemirovna, K. N., Islamovna, S. G., & Sultanovna, M. G. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *British View*, 8(3).
4. Khamzaeva, N. T., & Saidkasimova, N. S. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-«VIZION JUNIOR» IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *World Bulletin of Public Health*, 20, 41-45.
5. KJ, K. A. O. G. K., & Khamzaeva, N. T. (2023). IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS PREVENTION. *Open Access Repository*, 4(3), 341-344.
6. Xamzaeva, N. T., Matnazarova, G. S., Olimjonova, G. O., Xusainova, X. J., & Mamadalieva, E. S. (2023, February). COVID-19 infeksiyasi bilan kasallangan bolalarning epidemiologik taxlili. In *E Global Congress (Vol. 2, pp. 117-119)*.
7. Toshtemirovna, K. N., Islamovna, S. G., & Sultanovna, M. G. (2023). THE EFFECTIVENESS OF A NEW FOOD SUBSTANCE-A HARD GELATIN CAPSULE-" SEDAN BARK" IS BEING STUDIED IN CHILDREN WHO HAVE RECOVERED FROM THE CORONAVIRUS. *British View*, 8(3).
8. Kurbonov, A. K., Olimjonova, G. O., Khusainova, K. J., & Khamzaeva, N. T. (2023). IDENTIFICATION OF THE PREVALENCE OF BREAST CANCER AMONG DIFFERENT AGE GROUPS OF THE POPULATION AND ITS.
9. Matnazarova, G. S., Azizova, F. L., Bryanceva, E. B., & Xamzaeva, N. T. (2022). *Вакцинопрофилактика Covid-19 в Узбекистане*.
10. Saidkasimova, N. S., & Mirtazaev, O. M. (2020). Epidemic Process of Salmonellosis in Tashkent. *Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology*, 14(4), 7364-7367.
11. Расулов, Ш. М., Матназарова, Г. С., Файзибаев, П. Н., & Хамзаева, Н. Т. (2020). Современные эпидемиологические особенности эхинококкоза и его профилактика. In *Школа эпидемиологов: теоретические и прикладные аспекты эпидемиологии* (pp. 51-53).
12. Mirtazayev, O. M., Briko, N. I., Matnazarova, G. S., & Saidkasimova, N. S. (2019). Scientific, methodological and organizational bases of management of the epidemic process in case of salmonellosis infection in Uzbekistan. *Central Asian Journal of Medicine*, 2019(4), 72-80.
13. Rasulov, S. M. Improving the epidemiology, epizootology, and prevention of echinococcosis in Uzbekistan. Sh. M. Rasulov, GS Matnazarova 2, A. Mirtazayev 3, NT Xamzayeva 4. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(02), 2020.

14. Toshtemirovna, K. N., Sultanovna, M. G., & Mirtazaevich, M. O. "Covid-19 Infectionsining Epidemiologists Khususiyatlari" (Toshkent Shahri Misolid). JournalNX, 589-594.

15. Хамзаева, Н. Т., Матназарова, Г. С., & Расулов, Ш. М. ТОШКЕНТ ШАХРИДА COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, 71.

16. Matnazarova, G., Mirtazaev, O., Bryantseva, E., Abdukakharova, M., Nematova, N., & Khamzaeva, N. (2020). The new coronavirus-cOvid-19 in Uzbekistan. Int. J. Pharm. Res., 548-556.

17. Матназарова, Г. С., Хамзаева, Н. Т., & Абдуллаева, Ф. О. (2023). Covid-19 Инфекцияси билан касалланиш курсаткичларини беморларнинг жинси, ёши, касби ва кунлар бўйича тахлили. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ЖАМИАТ МУАММОЛАРИ, 2(1), 80-81.

18. Khamzaeva N. T. et al. CORONAVIRUS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN DURING 2020-2023 RETROSPECTIVE EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF THE DISEASE (TASHKENT CITY AS AN EXAMPLE) //World Bulletin of Public Health. – 2024. – Т. 33. – С. 108-114.

19. Matnazarova G. S. et al. TOSHKENT SHAHRIDA 5-11 YOShDAGI BOLALARDA COVID-19 INFEKSIYASINING OLDINI OLISHDA BNT162B2 (Pfizer-BioNTech) VAKSINASINING SAMARADORLIGI //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2024. – Т. 16. – №. 3. – С. 101-107.

20. Toshtemirovna X. N. et al. COVID-19 infeksiyasining epidemiologik raqamli ko'rsatkichi //IQRO INDEXING. – 2024. – Т. 8. – №. 2.

21. Yunusovich M. A. et al. THE EPIDEMIOLOGICAL SITUATION OF MENINGOCOCCAL INFECTION //World Bulletin of Public Health. – 2024. – Т. 31. – С. 94-96.